O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV. №

Shu aziz Vatan — barchamizniki

ÓZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2002 YIL
16 APREL
SESHANBA
№ 48 (26.907)
1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

ЎЗБЕКИСТОН ДУНЁ НИГОҲИДА

«ЎЗБЕКИСТОН ЖАҲОН ЭЪТИБОРИНИ ТОРТГАН ВА ШУНГА САЗОВОР ДАВЛАТ»

Олий Мажлиснинг саккизинчи сессиясида Президентимиз: «Бугунги Ўзбекистон фуқаролари, халқимиз ўн йил мобайнида жуда катта, асрларга тенг йўлни босиб ўтди ва бугун юртимизда олиб борилаётган ислоҳотлар ҳеч қачон ортга қайтмайдиган жараёнга айланди, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди...», — деган эдилар. Чиндан ҳам истиқлолимизнинг дастлабки йилларида оғир, машаққатли йўлда собит турдик. Ўта мураккаб вазифа ва муаммоларни ҳал этиш, бир-биридан оғир масалаларни ечишдай қийин синовларга дуч келдик. Бутун дунё кўз ўнгида давлатимиз сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маърифий жабҳада юксалиш жараёнини бошидан кечиряпти. Бугун мамлакатимиз тикланиб, оёққа турибгина қолмай, балки жаҳоннинг энг илғор давлатлари билан икки томонлама тинчлик ва ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўймоқда. Ўзбекистон дунё давлатларининг ишончли ҳамкорига, ер юзида тинчлик ва осойишталик тантанаси учун курашаётган мамлакатга айланди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, улкан қурилишлар, шаҳарларимизнинг тобора чирой очиб, ободонлашиб бораётгани, ёшларимиз хорижий давлатларда билим олиб қайтаётгани, халқимиз эрки ўз қўлида эканлиги хусусида ҳар биримиз қатъият ва ғурур билан гапиряпмиз.

Хўш, ватанимиз, халқимиз ҳақида дунё нима демоқда? Ўзбекистондаги сиёсий-ижтимоий-иқтисодий жараёнларга муносабати қандай? Умуман, Ўзбекистон хорижий давлатларда яшаётган буюк шахслар нигоҳида қандай давлат сифатида гавдаланмоқда? Шу саволларга жавоб топиш учун довруғли кишилар — шоир ва ёзувчилар, санъаткор ва спортчилар, сиёсат ва давлат арбоблари, хуллас, башарият ардоғидаги кишилар билан суҳбатлашиш ва уларнинг фикрларини газетамизда чоп этишни режалаштирдик.

Телефон орқали дастлабки суҳбатимиз таниқли шоир Евгений Евтушенко билан бўлиб ўтди. Евгений Александрович ҳозир Американинг Оклахома штатида. У Европа фанлари ва санъати Академияси, Америка санъат ва адабиёт Академияси фахрий аъзоси. Ҳозирги замон дунё адабиётининг йирик намояндаси.

— Евгений Александрович, аввало ярим тунда безовта қилаётганим учун узр. Бироқ, газетачилик... ўзингиз яхши тушунасиз. Ўзбек китобхонлари, халқимиз сизни ҳурмат қилади. Асарларингизни севиб ўқиймиз. Лозим топсангиз, сиз билан газетамиз саҳифаларида суҳбатлашсак.

— Бемалол. Мен аввалари ҳам айтганман — бир пайтлар ёзган ҳам эдим: ўзбек халқининг жаҳон маданиятида тутган мавқеи жуда юксак. Мен буни қадрлайман. Бу улуғворликни юрак-юракдан ҳис қиламан.

— Масалан...

— Бир китобимда ёзувдим. Кинода Циолковский ролини ўйнаган одам, яъни мен, дунёга Улуғбекдай олимни берган буюк халқнинг жаҳоний мавқеини, дунё маънавиятидаги аҳамиятини англамаслигим сира мумкин эмас. Улуғбек расадхонасининг ўзи тарих ва бугун, ўтмиш ва келажакнинг боғлиқлигини кўрсатувчи, мангуликка даҳлдор ҳикматдир. Ўтмишнинг ҳеч қачон ўлмайдиган шоҳ асаридир. Демак, ўтмиши барҳаёт халқнинг келажаги буюк бўлади.

— Халқимиз, ўтмишимиз, бугунимиз ҳақида самимий муносабат билдираётганингиз учун, тўғриси, ғурурланяпман.

— Мен ўз фикримни айтяпман. Қарашларимни намоён қиляпман. Буюк Осиё маданиятидан баҳраманд бўлмаган европалик ўзини ҳақиқий зиёли санамайди. Ҳа, Осиё маданиятидан ғурурланмаган европалик зиёли эмас. Бу маданиятни биз булоқ деб атасак, Ўзбекистон унинг энг соф, энг тоза, энг мусаффо, ҳаётбахшлик тимсолидаги сувидир. Марҳамат, адабиёт ва санъат, рассомчилик ва ҳунармандчилик, хуллас, ҳар бир соҳада ўзбекистонликларнинг ўзига хослиги мужассам.

— Сиз кўп давлатларда бўлгансиз. Қанча-қанча шаҳарларни кезасиз. Кўплаб халқлар, миллату элатлар билан учрашасиз. Бизнинг юртимизда бўлганингизда, халқимизнинг қайси жиҳатлари эсингизда қолган? Юртимизга нисбатан айрича ижобий муносабатда бўлганингиз учун ҳам, эҳтимол, менинг саволларимга ярим тун бўлишига қарамай жавоб бераётгандирсиз?

— Тўғри топдингиз. Мен Ўзбекистонни, ўзбек халқини яхши кўраман. Тошкентда бўлганман. Юртингизнинг гўзал жойлари тасаввуримда муҳрланиб қолган. Ўзбекистонликлар нафақат меҳмондўст, топганини аямайдиган халқ, балки чойхоналарда меҳмоннинг кўнглига қарайдиган, уни тинглай биладиган, суҳбат асосини донишмандлик сари буриб юборадиган маданиятли халқ. Бу меҳмондўстликка фозиллик ва инсонийликни ҳам қўшиб айтсак ярашади.

Ўзбекистон бугун дунё ҳамжамиятида ўзига яраша мавқе ва эътиборга лойиқ мамлакат.

— Давлатимиз раҳбари ўтган ойда АҚШга расмий ташриф буюрди. Албатта, икки томонлама ҳар жабҳада тенг ҳамкорлик хусусида кечган ушбу сафар Америка халқи қатори сизда ҳам қизиқиш уйғотган бўлса керак, деб ўйлайман.

— Ўзбекистон Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг Америкага қилган расмий ташрифини нафақат америкаликлар ёки ўзбекистонликлар, балки бутун ер юзи қизиқиш билан кузатди. Жумладан, бу ташриф менда ҳам катта таассурот қолдирди. Юртингиз ҳар соҳада равнақ топиб бораётган келажаги ёруғ мамлакат. Шу туфайли бугун Ўзбекистон жаҳон эътиборини тортган ва шунга сазовор давлат.

— Бизга, истиқлолимизга хайрихоҳлигингиз учун ташаккур. Айни дамда халқимизга қандай ният ва истаклар айтишингизни билмоқчи эдим.

— Аввало, шуни айтмоқчиманки, мени шундай гўзал юртга таклиф этсалар, жони-дилим билан боришга розилик бераман. Шундай халқ билан учрашишга, шеърларимни ўқиб беришга тайёрман.

Мен газетангиз — «Ўзбекистон овози» орқали бутун Ўзбекистон аҳлига: истиқлолингиз боқий бўлсин, интилишларингиз ҳеч қачон сусаймасин, халқларимизнинг елкадошлиги, бир-бирига нисбатан иззат-ҳурмат ҳисси сира йўқолмасин, дейман. Ўзбекистоннинг қалам аҳли юрагидан отилган чўғли сўзлар бардоши мустаҳкам ўзбек халқининг кўнглига, юрагига етиб боришини истайман.

Ўзбекистон ўз йўлида қатъий туриб ўз мавқеини доимо, худди ҳозиргидай тарзда дунёга намойиш қилиб бораверишига тарафдориман.

■ **Суҳбатдош: Қўчқор НОРҚОБИЛ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

У.А.Исроиловни Ўзбекистон Республикасининг Саудия Арабистони Подшоҳлигидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинлаш тўғрисида

Улуғбек Абдуқаюмович Исроилов Ўзбекистон Республикасининг Саудия Арабистони Подшоҳлигидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2002 йил 15 апрель

ТЕРРОРИЗМ ВА ОММАВИЙ ҚИРҒИН ҚУРОЛЛАРИ ТАРҚАЛИШИГА ҚАРШИ

Пойтахтимиздаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида Марказий Осиё ва Кавказорти давлатларининг экспортни назорат қилиш ва оммавий қирғин қуроллари тарқалишига йўл қўймаслик масалаларига бағишланган VI халқаро анжумани бошланди.

Анжуман Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти ҳамда АҚШ Давлат департаменти томонидан ташкил қилинди.

Тадбирда Марказий Осиё, Кавказорти минтақалари ҳамда Европа мамлакатлари ва АҚШдан вакиллар иштирок этмоқда. Шунингдек, унда экспортни назорат қилиш, оммавий қирғин қуроллари тарқалишига қарши курашиш, давлат чегараларини қўриқлаш, божхона, лицензиялаш ва ҳуқуқий меъёрларни белгилаш билан шуғулланувчи ҳамда бундай ишларга алоқадор давлат ва нодавлат ташкилотлари мутасаддилари ҳам қатнашмоқда.

Анжуманда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А. Комилов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти директори Р. Алимов, АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ж.Ҳёрбст, АҚШ Давлат департаменти экспорт ва санкциялар назорати бўлими директори Жон Шлоццер мазкур тадбир иштирокчи давлатлар ўртасида хавфсизлик борасидаги ҳамкорликни кенгайтиришнинг янги имкониятларини очиб беришига умид билдирди.

11 сентябрь фожиаси инсониятга халқаро терроризм ва оммавий қирғин қуроллари хавфи аллақачон оламшумул муаммога айланганини яна бир бор тасдиқлади. Мазкур анжуманни ўтказишдан мақсад ана шундай муаммоларни ҳал этиш учун кўриладиган зарур чора-тадбирлар, жумладан, халқаро миқёсдаги ҳамкорликни янада кучайтириш борасида жиддий фикрлашиб олишдан иборатдир.

Анжуман иштирокчилари тўрт кун давомида халқаро терроризм ва оммавий қирғин қуроллари тарқалишига қарши курашда муассасалараро ҳамкорликни ривожлантириш, хавфни биргаликда бартараф этиш масалаларини муҳокама қилади.

— АҚШдаги даҳшатли террор воқеасидан кейин жаҳонда, айниқса, Марказий Осиёда терроризм хавфига қарши кучларни бирлаштириш жуда долзарб масалага айланди, — деди АҚШнинг Ядро қуроллари назорати бўйича Висконсин лойиҳаси директори Гарри Милҳоллин ЎзА мухбири билан суҳбатда. — Зеро, бу минтақа азалдан савдо йўлларининг фаол чорраҳаси бўлиб келган. Бугунги кунда терроризм ва оммавий қирғин қуроллари тарқалишининг олдини олишда шарқ ғарб, жануб ва шимолни туташтирувчи бу минтақа жуда муҳим аҳамиятга эга. Бундай хавфларнинг олдини олишда АҚШ ҳукумати минтақа давлатларини янада кўпроқ қўллаб-қувватлаши зарур.

■ **(ЎзА)**

ИҚТИСОД ВА ИСЛОҲОТ

ЎЗБЕКИСТОН ТРАКТОРЛАРИ

Бундан тўрт йил олдин Тошкент трактор заводи давлат акциядорлик жамияти фаолиятида узилишлар рўй берган эди. Сабаби — трактор деталлари четдан сотиб олиб келинар, харажатлар тинимсиз ошарди. Натижада иқтисодий танглик рўй берди. Завод маъмурияти масаланинг ечимини топиш учун чет эллик ишбилармонлар билан ҳамкорликни йўлга қўйди. 1997 йилдан бошлаб корхона фаолиятида силжиш бошланди. Ўша йили 954 та трактор ишлаб чиқарилди. 2001 йилнинг биринчи чорагида бу кўрсаткич 2000 тага етди. Россиянинг Ногинск шаҳрида ТТЗнинг «Ногинск савдо уйи» фаолият кўрсата бошлади. Шартномавий келишувга кўра ТТЗда тайёрланган деталлар у ерга олиб бориб йиғилади. Заводнинг шиналарга, аккумуляторларга бўлган эҳтиёжи шу йўл билан ҳал этилиб, уларни олиб келиш харажатлари тежалади. Республикамиздаги харидорлар эса янги техникани Лизинг компанияси орқали харид қилишади. Мижоз сотиб олган агрегати нархининг 15 фоизи миқдорида компанияга пул тўлайди ва қолган қарзини 7 йил давомида тўлаб боради. Айни шу йўл билан 2001 йилда 2000 та трактор сотилди.

— Корхона истиқболини янада яхшилаш мақсадида Уралнинг Златауст шаҳрида ва Югославия, Туркия, Покистон, Эрон ва Бирлашган Араб Амирлиги сингари хорижий давлатларда ҳам заводнинг савдо уйларини очиш устида саъй-ҳаракат қилинмоқда, — дейди завод бош директори ўринбосари Галина Коробко. Шунингдек, заводимизда маҳсулотларимиз билан халқаро кўргазмаларда иштирок этиш ва янги лойиҳалар яратиш устида ҳам ишлар қилинмоқда. Масалан, Хитойнинг Тяньзин компанияси билан ҳамкорликда фермер хўжаликлари ва кичик тадбиркорларга мўлжалланган 30 от кучига эга мини-трактор лойиҳаси битай деб қолди.

■ **Сулаймон ҲАЙДАРОВ**

✧✧✧

Суратда:
(чапдан) чилангар Баймахан Думсебаев, ишчи Дониёр Ғуломов ҳамда синов бригадаси бошлиғи Фаҳриддин Иноятовлар.

■ **Шавкат АКРАМОВ олган сурат**

МУАММО, МУЛОҲАЗА, ТАКЛИФ

ҚИЗИЛҚУМ ОТЛАРГА ТОРЛИК ҚИЛАЯПТИМИ?

ЁКИ «ҒИРКЎК», «ҚОРАСАМАН», «ҚОРАБАЙИР», «ҒИРОТ», «КЎКТЎРИҚ», «ДУЛДУЛ», «САРИҚСАМАН» СИНГАРИ УЧҚУР ЗОТЛИ ОТЛАР КАМАЙИБ БОРАЁТГАНИ ҲАҚИДА

Ота-боболар ўгити ва удумидан биламизки, от энг яқин дўст, ҳамкордир. «Қобуснома»да қайд этилганидек, от энг зийрак, сезгир жонивор. Ўтмишда не-не жаҳонгиру саркардаларнинг, қанчалаб эл-юрт ҳимоячиларининг муродини ҳосил қилган. Ўту сувга, жангу жадалга тик кирган ҳам учқур отлар. Отларнинг инсонга дўстлиги рамзи сифатида тақасини остонага қоқиб, ёлини эса уй тўрига осиб қўйишади. Қадимда отсиз эрни, тулпорсиз йигитни мард ҳисоблашмаган. «Ғиркўк», «Қорасаман», «Қорабайир», «Ғирот», «Кўктўриқ», «Дулдул», «Сариқсаман», сингари учқур отлар кўплаб достону эртакларнинг бош қаҳрамони бўлган.

Мағрибу машриқдан Мекка-ю Мадинага қадар чўзилган, кўҳна Туркистонни Хитой, Фарангистон билан боғлаган йўлларда туялар билан биргаликда отлар қатнаган. Афсуски, мустабидлик даврида отларимиз ҳам қирғин қилинди. Ҳар бир оилада биттадан ортиқ от сақлаш тақиқланди. Мустақилликдан сўнг от-уловларга эътибор ортди. Айни кезда Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хоразм томонларда, водий тарафларда отуловлар бир қадар кўпайди.

Дунё бозорида отларимиз мавқеи қачон кўтарилади? 1999 йил ноябрь ойи охирида Кармананинг Маликрободида уюштирилган халқаро от мусобақаси — кўпкарида қирғизлар ўзларининг ола-қашқа, қора тўғралари билан ғолиблиги қўлга киритиб, бош совринни олиб кетишди. Республика спорт қўмитаси, жумладан, От спорти федерацияси вакиллари ҳам бунга шоҳид бўлишди. Бироқ шу нуфузли мусобақа ўтганига 3 йил бўлса-да, вилоятда ҳамон жимжитлик. Наҳотки Жиззахдаги от заводининг шўъбасини Қизилқумда очишнинг иложи йўқ? Асрий саҳро, ҳудуди кенг Навоий вилоятида нега сифатли қимиз, қази тайёрлайдиган кичик корхона йўқ? Акс ҳолда ҳадсиз-ҳудудсиз Қизилқум отларга торлик қилмаган, асл зотли «қорабайир»лар камайиб кетмаган бўларди.

Навоий вилоятининг мавжуд 35 та қорақўлчилик хўжаликларида яқин-яқингача 30 мингдан ортиқ от мавжуд эди. Эндиликда эса улар сони атиги 6310 тага тушиб қолган.

1999 йили 720 та, 2000 йили эса 1029 та от турли сабаблар билан сўйиб юборилган. Айниқса, Учқудуқ, Томди туманларида аҳвол ачинарли. Масалан, Томди туманидаги «Оёққудуқ» ширкат хўжалигида етмишинчи йилларда 4 мингдан ортиқ йилқи мавжуд эди. Эндиликда улар сони атиги 608 та, холос. 1999 йил охири, 2000 йилларда 415 та от, жумладан 150 та бия қарилиги баҳонасида гўштга топширилган. Бу ишга туман прокуратураси аралашгач, хўжалик бошқаруви раиси ишдан четлатилган. Худди шундай Томдидаги «Жана-шарда» ширкат хўжалигида ҳам (раиси Овулбек Доспанбеков) 2000 йили отлар сони 29 тага камайган. Мазкур туманнинг Жабай Балиманов, «Керегбулоқ» ширкат хўжаликларида ҳам шу ҳолни кузатиш мумкин. От ва йилқиларни «қувғин»га олишда учқудуқликлар томдиликлардан асло қолишмайди. Учқудуқдаги «Юзқудуқ» ширкат хўжалигида (раиси Кўпберган Утегинов) 2000 йили 77 бош от сўйиб юборилган. «Авангард» ширкат хўжалигида ҳам (раиси Нурдулла Қунғирчоев) 76 бош от, жумладан 42 бош бия, «Узунқудуқ»да эса (раиси Манай Сатанов) кейинги икки йилда 42 та от гумдон қилинган.

Қизилтепа туманидаги «Маликчўл», Навоий туманидаги «Кармана», Навбаҳор туманидаги «Сармиш», Хатирчи туманидаги «Олтинсой» сингари ширкат хўжаликларида зотли, наслдор отлар у ёқда турсин, жайдари, маҳаллий шароитдаги отлар ҳам 5-10 тадан ошмайди.

«Ғиркўк», «Кўктулпор», «Сариқсаман», «Қорабайир» сингари маҳаллий шароитга, Қизилқум иқлимига мос йилқи турларини кўпайтириш фурсати ўз қўлимизда-ку.

— Республикамизда йилқичиликнинг ривожи сустлигига бирдан-бир сабаб отчилик илмий текшириш институтининг йўқлиги, наслчилик-селекция ишларининг издан чиққанлигидир. Иккинчидан, ҳар бир отнинг тўлиқ озиқланиши ва кўпайиши учун камида 22-25 гектар табиий ўт-ўланга сероб яйлов керак, — дейди кекса чорвадор, Ўзбекистон Фанлар академиясининг фахрий академиги Пўлат Сулаймонов. — Самарқанддаги қорақўлчилик илмий-текшириш институти каби Навоийда ҳам йилқилар зоти, насчилиги билан шуғулланадиган кичик илмий текшириш ўқув-тажриба маркази таркиб топса, айни муддао бўларди. Нафақат ўзбек отлари, балки туркман, қозоқ, қирғиз, Панжикент, Конибодом отларини илмий ўрганиш ва бизда ҳам кўпайтиришга имкон яраларди.

— Қизилқумда отлар камайишига яна бир сабаб шувоқ, каррак, янтоқ, явшон, изен каби сероқсил, сервитамин ўт-ўланларнинг камайиб бораётганлигидир, — дейди машҳур чўпон Нортой Бердиев. — Агар яйловларда қадимгидек саксовулзор, юлғинзорлар кўпайтирилмас экан йилқичиликни ўнглаш қийин.

(Давоми 2-бетда)

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«ГУЖУМЛАР ҚУРИДИ, ТЕРАКЛАР ХАВФ ОСТИДА»

Газетанинг шу йил 28 февраль сонида чоп этилган «Гужумлар куриди, тераклар хавф остида» сарлавҳали мақола Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси мутахассислари томонидан ўрганиб чиқилди.

Ҳақиқатан ҳам, республикамизнинг айрим шаҳар ва қишлоқларида, жамоа ва ширкат хўжаликлари ҳудудларида, шунингдек, ўрмон фонди ерларида қайрағочзорлар, теракзорларни «шаҳар мўйловдори» деган ҳашаротлар зарарламоқда.

Ўрмон хўжаликлари ушбу ҳашаротга қарши белгиланган муддатларда супрефос, данитол, делтафос ва шу каби бошқа дориворларни қўллаб, кураш олиб борсалар-да, бу кимёвий дорилар самараси кам бўлмоқда. Шунинг учун кичик майдонларда ушбу ҳашарот билан зарарланган дарахтларни ўз вақтида кесиб, зараркунандалар атрофдаги соғлом дарахтларга тарқалмаслиги учун, ёқиб юбориш чоралари кўрилмоқда. Аммо, бу ишларни катта майдонларда бажариш мумкин эмас. «Ўзбекистон овози» газетаси ҳақиқатан ҳам ҳозирги кунда жуда катта муаммо бўлиб турган масалани кўтарган, чунки ўрмон хўжаликлари ҳам бундан қаттиқ азият чекмоқдалар.

Республикамизда дарахт касалликлари ва зараркунандаларига қарши курашиш бўйича бир қатор илмий-тадқиқот институтлари, ўсимликларни ҳимоя қилиш ташкилотлари фаолият кўрсатмоқдалар. Улар газета саҳифасида чоп этилган ушбу мақолани атрофлича ўрганиб чиқиб, бу ҳашаротга қарши самарали натижалар берадиган дориворларни яратиб, уларни ишлаб чиқаришда қўллаш бўйича тавсияномалар берсалар, мақсадга мувофиқ бўларди.

■ **Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири ўринбосари С. ЭРГАШЕВ**

ПАРЛАМЕНТ ИСЛОҲОТИ

КОНСТИТУЦИЯГА ТЕНГ ҚОНУН

ҚУЙИ ПАЛАТА ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ, ЮҚОРИ ПАЛАТА ЭСА СЕНАТ ДЕБ АТАЛАДИ. НЕГА? БУ ИККИ ПАЛАТАНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ НИМАЛАРДАН ИБОРАТ?

Олий Мажлиснинг яқинда бўлиб ўтган саккизинчи сессиясида **«Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни** қабул қилинди. Президентимиз Ислом Каримовнинг сессиядаги дастуриламал маърузаларида таъкидланганидек: **«бу ҳуқуқий ҳужжат референдум натижаларини қонунчилик тилида ифодалаб — мустаҳкамлаб беради ва асосий қонунимиз бўлмиш Конституциямизга тегишли ўзгартиришлар киритишга асос бўлади».**

Шу маънода, «Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги Конституциявий қонунни истиқлолимизнинг биринчи куни қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Конституциявий қонунга қиёслаш ва тенглаштириш ўринлидир.

Иккала қонун ҳам ўзининг ҳуқуқий табиати, юридик кучи бўйича конституциявий қонун саналади. Яъни, улар Конституциянинг ўрнини босадиган даражадаги ўзига хос кучга эга қоидалар мустаҳкамлаб қўйилгани, ўзбек миллий давлатчилиги тараққиётида янги босқичларни бошлаб бергани билан ҳам ўзаро ўхшашдир. Маълумки, истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб деярли Конституция қабул қилингунига қадар — бир ярим йил давомида «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Конституциявий қонун, айтиш мумкинки, ўзига хос кичик Конституция вазифасини бажариб турди. Кейинчалик эса мазкур Конституциявий қонуннинг энг асосий қоидалари Бош қомусимизда ўз аксини топди.

Худди шу каби, саккизинчи сессияда қабул қилинган Конституциявий қонун ҳам, биринчидан, Конституцияга бир қатор ўзгартириш ва тўлдиришлар киритиш учун асос бўлади, иккинчидан, тубдан янги қонунлар қабул қилиш учун майдон яратади ва учинчидан, амалдаги қонунларга референдум якунларига мувофиқ тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши учун замин ҳозирлайди.

Шу боис мазкур икки Конституциявий қонунни ҳам юридик жиҳатдан, ҳам амалий ва сиёсий жиҳатдан бемалол бир-бирига қиёслаш мумкин.

Ушбу Конституциявий қонунлардаги яна бир ўхшашликка — уларнинг иккаласи ҳам ҳажм жиҳатидан ниҳоятда кичик, мухтасар, лекин мазмун жиҳатидан жудаям кенг қамровли эканига эътибор қаратиш жоиздир. Масалан, атиги ўнта моддадан иборат янги Конституциявий қонунда ғоят жиддий қўламдаги масалалар қўйилган бўлиб, аввало, ушбу қонун ҳозирги Олий Мажлиснинг бундан кейинги икки йилдан ортиқ даврдаги фаолияти учун замин бўлиб хизмат қилади, қолаверса, унинг ҳар бир моддаси қоидаларини ҳаётга тўла татбиқ этиш борасида яқин келажакда каттадан-катта ишларни амалга ошириш керак бўлади.

Қонунда, аввало, референдум якунлари асосида юртимизда икки палатали парламент шаклланиши кўзда тутилган ва парламентнинг умумий жиҳатлари мустаҳкамланган. Иккинчидан, унда Ўзбекистонда бўладиган сайловларнинг янги жиҳати, тартиби белгиланган. Учинчидан, давлат органлари тизимидаги тубдан янги орган — Сенат ҳақида маълумотлар берилган. Ва ниҳоят, Қонунчилик палатасининг ҳам умумий жиҳатлари ҳақида ҳам ушбу Конституциявий қонун, биринчи навбатда, парламентимизнинг номини сақлаб қолди. Яъни, бўлажак икки палатали парламентнинг ҳам умумий номи — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси деб аталади. Фикримизча, бу — жудаям тўғри қарор. Негаки, парламентимизнинг ушбу номи миллий руҳиятимизга ҳам, миллий давлатчилик анъаналаримизга ҳам тамомила мослиги туфайли халқимизнинг онгига сингган.

Парламент палаталарининг номларига келсак, Конституциявий қонунда қуйи палата **Қонунчилик палатаси,** деб номланади. Бу ном унинг бевосита фаолиятига мос ва хос бўлиб, қуйи палатанинг асосий иши — қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш, муҳокама этиш ва қабул қилишдан иборатдир. Шунингдек, у амалдаги қонунлар ижроси юзасидан назорат-таҳлил фаолияти билан шуғулланади.

Юқори палата эса **Сенат** деб аталади. Бу атаманинг қўлланиши ҳам мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. Шу йўл билан, бир томондан, давлатчилигимизга оид миллий номларимизни сақлаб қолган бўлсак, иккинчи томондан, жаҳон парламентаризми амалиёти ва анъаналарига мос атамалардан ҳам фойдаландик.

Юртбошимиз ўз маърузаларида парламент палаталарининг умумий жиҳатлари ва ўзига хос қайд этилган.

Эътиборли жиҳати шундаки, мазкур Конституциявий қонун, биринчи навбатда, парламентимизнинг номини сақлаб қолди. Яъни, бўлажак икки палатали парламентнинг ҳам умумий номи — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси деб аталади. Фикримизча, бу — жудаям тўғри қарор. Негаки, парламентимизнинг ушбу номи миллий руҳиятимизга ҳам, миллий давлатчилик анъаналаримизга ҳам тамомила мослиги туфайли халқимизнинг онгига сингган.

Парламент палаталарининг номларига келсак, Конституциявий қонунда қуйи палата **Қонунчилик палатаси,** деб номланади. Бу ном унинг бевосита фаолиятига мос ва хос бўлиб, қуйи палатанинг асосий иши — қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш, муҳокама этиш ва қабул қилишдан иборатдир. Шунингдек, у амалдаги қонунлар ижроси юзасидан назорат-таҳлил фаолияти билан шуғулланади.

Юқори палата эса **Сенат** деб аталади. Бу атаманинг қўлланиши ҳам мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. Шу йўл билан, бир томондан, давлатчилигимизга оид миллий номларимизни сақлаб қолган бўлсак, иккинчи томондан, жаҳон парламентаризми амалиёти ва анъаналаримизга мос атамалардан ҳам фойдаландик.

Юртбошимиз ўз маърузаларида парламент палаталарининг умумий жиҳатлари ва ўзига хос фарқлари хусусида ҳам тўхталиб ўтдиларки, дарҳақиқат, палаталарнинг ўзига хос жиҳатлари диққатга сазовордир.

Айтайлик, биринчидан, ушбу икки палата номланиши билан фарқланади, яъни зикр этилганидек, қуйи палата — Қонунчилик палатаси, юқори палата — Сенат, деб юритилади.

Иккинчидан, улар аъзоларининг сони билан фарқланади. Сенат 100 нафар сенатор — Сенат аъзоларидан ташкил топса, Қонунчилик палатаси, 120 нафар депутатдан иборат бўлади. Кўриб турибсизки, палаталар аъзоларининг номларида ҳам фарқ бор — сенатор ва депутат.

Учинчидан, икки палатанинг шаклланиш жараёни, яъни уларни сайлаш тартиби ҳам ҳар хил. Қонунчилик палатаси депутатларини можоритар сайлов тизимига мувофиқ ҳудудий сайлов округлари бўйича кўп партиялилик асосида сайланади. Бундай сайлов, аввало, фуқароларимизнинг сиёсий фаоллиги ошишига олиб келади, қолаверса, кўппартиялилик тизимининг янада такомиллашишига шароит яратади.

Демак, Қонунчилик палатаси аъзолари бевосита халқ томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланади.

Сенат эса, аксинча, билвосита, икки поғонали сайловлар асосида шаклланади. Яъни, жойлардаги давлат ҳокимияти вакиллик органларига навбатдаги сайлов ўтказилганидан кейин кечи билан бир ой ичида вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари депутатларининг қўшма мажлисларида яширин овоз бериш йўли билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан олти нафардан Сенат аъзоси сайланади.

Ана шу 84 сенатордан ташқари, Сенатнинг яна 16 нафар аъзоси давлат раҳбари — Президент томонидан тайинланади. Бу ҳам жаҳон амалиётидан келиб чиққан ва халқаро андозаларга тўғри келадиган қоидадир.

Шу ўринда савол туғилиши табиий — нима учун ушбу сенаторларни Президент тайинлайди?

Бунинг сабаби шуки, ҳудудий вакиллик палатаси бўлмиш Сенатнинг аъзолари ўзлари мансуб ҳудудларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш жараёнида маҳаллийчилик, субъективизмга йўл қўйишининг олдини олиш ва умумдавлат манфаатларини таъминлаш мақсадида фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа соҳаларида катта амалий тажрибага эга обрў-эътиборли ҳамюртларимиз орасидан тайинланадиган сенаторлар Сенат фаолиятида ўзига хос баланс, яъни мувозанатни сақлаб туришга хизмат қилади. Бу ўринда ҳам илғор халқаро тажриба инобатга олинганини таъкидлаш лозим.

Тўртинчидан, палаталар ўзларининг иш тартиби бўйича ҳам фарқланади. Қонунчилик палатасига сайланган 120 депутат Олий Мажлисда доимий равишда ишлайди. Демак, депутатлик ҳам ишчи, хизматчи, шифокор, ўқитувчи фаолиятига ўхшаган доимий касбга айланади.

Сенаторларнинг ишлаш тартиби эса бир қадар бошқачароқ. Улар вақти-вақти билан чақириладиган Сенатнинг ялпи мажлисларида, қўмита ва комиссиялар мажлисларида иштирок этиш асосида фаолият юритади.

Бешинчидан, қонунларнинг қабул қилиниши жараёнида ҳам палаталар фаолиятидаги муайян фарқларни кузатиш мумкин. Қонун лойиҳаларини тайёрлаш, кўриб чиқиш, маромига етказиш, қабул қилиш, ижроси юзасидан назорат-таҳлил фаолиятини амалга ошириш билан асосан, Қонунчилик палатаси шуғулланади.

Сенат эса қонунни кўриб чиқиб маъқуллайди ёки рад этади. Шунингдек, қонунчилик соҳаси билан боғлиқ кадрларни тайинлаш ёхуд сайлаш масаласи Сенатнинг ваколатига киради. Бундан ташқари, Юртбошимиз ташаббуслари асосида Президентга тегишли айрим ваколатларни ҳам келгусида Сенатга топшириш режалаштирилаяпти.

Олтинчидан, мазкур палаталарнинг сайловчилар билан алоқалари қандай йўлга қўйилади? Қонунчилик палатаси аъзолари ўз сайловчилари билан бевосита боғлиқ бўлади. Сенат аъзолари эса кўпроқ маҳаллий кенгашлар билан алоқадорликда иш кўради, чунки қайд этилганидек, улар айнан маҳаллий кенгашларнинг қўшма мажлисларида сайланади.

Шундай қилиб, Конституциявий қонунда бўлажак Ўзбекистон парламентининг умумий чизгилари, қоидалари мустаҳкамлаб берилган. Эндиликда ҳар бир палата фаолияти бўйича алоҳида қонун ишлаб чиқариш керак бўлади. Зеро, ҳозирча парламент палаталари фаолиятининг умумий принципларигина белгилаб олинди.

Хулоса қилиб айтганда, Президентимизнинг Олий Мажлис саккизинчи сессиясидаги маърузаси, сессияда қабул қилинган қонунлар ва қарорлар, хусусан, «Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги Конституциявий қонун ҳозирги парламентимиз олдига янги ва залворли вазифаларни қўйди, қонунчилик соҳасида амалга оширилиши зарур бўлган улкан ишлар кўламини очиб беради.

■ **Акмал САИДОВ,**
Олий Мажлис Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси, юридик фанлари доктори.

«ФАН ҲАФТАЛИГИ – 2002»

Тошкент кимё-технология институтида «Фан ҳафталиги — 2002» илмий-техникавий анжуман бўлиб ўтди.

Иштирокчилар пойтахтдаги илғор саноат корхоналарига ташриф буюрдилар. Жумладан, «Ўзбекистон — Швейцария — Германия — «Хобас ТАПО» қўшма корхонасида бўлиб, шиша толаси, қум ва сақич бирикмаси асосида янги қувур ишлаб чиқариш технологиялари билан танишдилар.

Тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес, хусусий мулк, мулкдорлар ва иқтисодий эркинлик борасида бошланган ислоҳотларнинг бориши ҳақида «Совпластитал» қўшма корхонаси Бош директори А.Мелкумов, «Ўзқурилиш материаллари» акциядорлик жамияти раиси Э.Акромов, тарих фанлари доктори С.Отамуродов, институтнинг 4-курс талабаси О.Шокиров қилган маърузалар қатнашчиларда катта қизиқиш уйғотди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, сўзга чиққан нотиқларнинг аксарияти асосан ёшлар бўлди.

■ **Машҳура МАВЛОНИЙ**

КИТОБЛИК ЁШЛАР ҚУВОНЧИ

Яқинда Китоб тумани ўқувчилари ажойиб совға олишди. 900 ўқувчига мўлжалланган 100 ўринли ётоқхонали маиший хизмат касб-ҳунар коллежи ишга тушди. Тўрт қаватли бинода компьютер, тил ўрганиш хоналари, очиқ ва ёпиқ спорт майдончаси каби шароитлар мавжуд. Коллежга 1 миллиард 700 миллион сўм маблағ сарфланган. Коллежнинг очилиш маросимида вилоят ҳокими Б.Ҳамидов иштирок этди.

■ **Юнус УЗОҚОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

МУАММО, МУЛОҲАЗА, ТАКЛИФ

ҚИЗИЛҚУМ ОТЛАРГА ТОРЛИК ҚИЛАЯПТИМИ?



(Давоми. Боши 1-бетда)

— Қарийб 40 йил йилқичилик билан шуғулландим. Отларнинг ҳозиргидек ўз ҳолига ташлаб қўйилганини сира кўрмаганман, — дея ўксинади, навбаҳорлик машҳур улоқчи Содиқ бобо Кўзиев. — «Оқсоқолота», «Қалқонота», «Сармиш» даштлари-ю яйловларида яқин-яқингача ҳар бир хўжаликнинг юзлаб отлари бўларди...

— Аравани от эмас, арпа тортади, — дейди конимехлик отбоқар Еран Исатов. — Агар маҳаллий шароитдаги жайдари отларимиз ҳам кунига 4-5 килограмм арпа еса Қизилқумни отлар босиб кетади.

Отчилик ривожи хусусидаги фикрларни қизилтепалик Шариф Нарзиев, навбаҳорлик Хайрулла Назаров сингари собиқ чорвадорлардан, от миниб, эгар кўрган мутахассис мураббийлардан ҳам эшитдик. Кичик ва ўрта тадбиркорликка кенг йўл очилган пайтда Зарафшон, Учқудуқ, Зафаробод шаҳарлари, Тошкентнинг Келес, Жиззахнинг Ғаллаорол қўрғонларида қази, қимиз, от ёғи ишлаб чиқарадиган кичик корхоналар қурилса ўзини оқламайдими?

Руслар балиқни, поляклар тошбақани, японлар қисқичбақани замонавий тарзда қадоқлаб, экспорт қилаётган бугунги кунда от гўшти маҳсулотларини халқаро андозалар даражасида тайёрлаш мумкин эмасми? Ёки ўзимизда қази, қимиз от гўштига талаб камми? Отнинг терисидан маҳсулот тайёрлашни йўлга қўйсак бўлмайдими, қўлимиздан келмайдими? Хуллас, саволлар кўп...

■ **Музаффар ШАРОПОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

ТАҲРИРИЯТДАН: Эсингизда бўлса, ушбу мавзу газетамизда бундан авваллари ҳам бот-бот кўтарилиб, журналист Номоз Саъдуллаев қаламига мансуб туркум мақолалар босилганди. Уларда республика миқёсида, хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Бухоро, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида отчиликка бўлган эътиборсизлик, йилқичилик хўжаликлари ва наслчилик заводларига мустабидлик йилларининг марказга итоатгўй идоралари беписандлик билан қараётганлиги ҳақида куюниб ёзилганди. Пировардида, жойларда отлар «қувғин»га олиниб, йилқилар, қулунлар, уюрлар сони кескин камайиб кетганлигига, ўша йиллари аҳолидан олинадиган гўшт солиғи ўрнига нафақат хўжаликларнинг, ҳатто шахсий хўжаликларнинг ҳам (зўравонлик билан!) отларини топшириб юборилаётганлигига ва уюрларга емхашак ажратилмаётганлигига кимлар сабабчи эканлиги тўғрисида бонг урилган эди.

Шундан сўнг ҳар қалай қатор вазирликлар, идоралар, бошқармалар, вилоятлар ва туманларнинг раҳбарлари тармоқ ишини яхшилаш, янгидан йилқичилик хўжаликлари ташкил этиш, янги уюрларга махсус бинолар қуриш, отхоналарни зарур ем-хашак ва ветеринария дори-дармонлари билан таъминлаш, шунингдек, мутахассис ҳамда отбоқарлар малакасини ошириш сингари ишлар юзасидан муайян чора-тадбирлар кўрилгандек бўлди... Сарғайиб кетган газета тахламларида эълон қилинган жавоб хатларининг матнлари бундан гувоҳлик бериб турибди.

Минг афсуски, навоийлик мухбиримизнинг юқоридаги мақоласини ўқиб, бундан 16-17 йил олдин кўтарилган муаммо наздимизда ҳамон муаммолигича қолиб келаётганга ўхшайди. Хўш нега?

«От — йигитнинг қаноти», «От — садоқатли дўст», «От — ақлли жонивор» деб тилимиздан тушмаса, ўзбекнинг кўпкариси, улоғи, сайил-у томошаси отсиз ўтмаса, йўлсиз, уловсиз манзилларга фақат отгина асқотса, набираларимизнинг бешик тўйига қулун етаклаб борсак, қимиз ичишни, қази ейишни хуш кўрсак... яна нега отчиликка бу қадар бефарқмиз, лоқайдмиз?

Биз отчилик, йилқичилик билан шуғулланадиган соҳа мутахассислари, отбоқарлар, чавандозлар, суворийлар ниҳоят тадбиркорларнинг бу масала бўйича фикр-мулоҳазаларини кутамиз. Сиз яшаётган вилоят, туман ва хўжалик ҳудудида отчиликка муносабат қандай? Умуман, республикамиз хўжаликлари ва шахсий хўжаликларда ҳозир қанча уюр, қанча от, йилқи, қулун бор? Тармоқнинг келгуси ривожи истиқбол дастурларида белгиланганми? Республика Макроиқтисодиёт, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари режаларида-чи?

МЎЪЖИЗАВИЙ ШИФОХОНА

Сурхон воҳасининг Кўҳитанг тоғлари бағридаги «Хўжаикон» туз кони мўъжизавий шифобахш кучга эга эканлигини маҳаллий аҳоли азалдан яхши билади. Даволанувчилар эса ҳали туз конига етмасдан бурун, ўша атрофдаги Чорвоқ қишлоғига келганданоқ нафас олиш енгиллашганини сезишади. Демак, мўътадил ҳаво шу ердан бошланади.

Шунинг учун 1990 йилнинг апрель ойида сунъий ғорлар қазилди. Мазкур ғорнинг узунлиги 144,5 м. бўлиб, уларда беморларнинг ётиб даволаниши учун хоналар ташкил этилган. Ғор, гарчи сунъий равишда юзага келтирилган бўлсада, унинг табиий-мўъжизавий хусусиятлари сақлаб қолинди. Бу ерга Туркманистон, Тожикистон, Қозоғистон ва Россиядан беморлар келиб даволаниб кетишмоқда.

Бу масканда бронхиал астманинг барча турлари, радикулит, полиартрит, шунингдек, оғиз бўшлиғи ва яна бир қанча касалликлар билан оғриган беморлар тез орада шифо топишмоқда.

Суратда: *мўъжизавий шифохонада.*

ФУТБОЛ

«ПАХТАКОР»НИНГ ҒАЛАБАСИ

Футбол бўйича олий лига жамоалари бешинчи тур учрашувларини ўтказишди. Кутилганидек, ушбу турнинг энг кескин учрашуви Фарғонада маҳаллий «Нефтчи» ва чемпионат пешқадами Зарафшоннинг «Қизилқум» жамоалари ўртасида кечди.

Ўтган тўрт ўйинда зафар қучиб, рақиблари дарвозасига жавобсиз ўнта тўп йўллаган зарафшонликлар бу сафар мағлубиятга учрадилар. «Нефтчи» футболчиларининг 2:1 ҳисобидаги ғалабаси сафарда «Бухоро»ни 5:0 ҳисобида ютган пахтакорчиларга қўл келди. Мазкур ўйинда «Пахтакор» футболчилари Неъматулла Қуттибоев, Юрий Никитков, Сервер Жеперов, Зайниддин Тожиев, Леонид Кошелевлар ўз жамоалари муваффақиятини таъминлашди. Бу ғалабадан сўнг, очколар сонини 15 тага етказиб олган пахтакорчилар чемпионат карвонбошиси бўлиб олдилар. Агар келгуси турда «Пахтакор» ўз майдонида «Қизилқум»га қарши тўп суришини ҳисобга олсак, тошкентликларни нақадар жиддий учрашув кутаётганлигини билиш қийин эмас.

Қолган ўйинлар қуйидаги натижалар билан тугади: «Зарафшон» — «Трактор» — 3:0, «Сўғдиёна» — «Самарқанд» — 0:0, «Қўқон — 1912» — «Машъал» — 3:1, «Дўстлик» — «Андижон» — 2:0, «Сурхон» — «Металлург» — 1:1, «Насаф» — «Навбаҳор» — 3:2.

6-тур учрашувлари 20-21 апрель кунлари ўтказилади.

■ **Эркин ХОЛБОБО**

ЛУҚМА

Сўнгги пайтларда ғалати бир ҳолат кузатиляптики, бу матбуот оламига дахлдор. Турли олди-қочдилар билан «савдо қилишга» ўтган айрим ҳамкасбларимиз яна бир осон йўлни танлашди. Яъни турли бошқотирмалар билан ўқувчиларни ўзига жалб қилиш. Бунинг ҳеч ёмон томони йўқ. Сўз эркинлиги кафолатланган юртда яшаяпмиз. Ҳар ким ўлчовни ўз қаричидан олади. Бировга у ёқади, бировга бошқаси маъқул.

... Автобусда Урганчдан пойтахтга кетяпмиз. Йўловчиларнинг аксари тижоратчилар. Автобус ўрнидан қўзғалиши билан айримлар ёнидан газета чиқариб, «ўқиш»га киришиб кетишди. Рости, матбуот оламига «яқин» бўлган йўлдошим кайфиятимни кўтарди. Бечора бирор соатлар газетадан бош кўтармади. Кейин... ногаҳонда сўраб қолди: «Оттава» сўзи «А» билан бошланадими ёки «О» билан?» «Гап нима ҳақда кетяпти?» «Канада пойтахти». «Демак «О» билан-да». «Тўғрику-я, аммо кроссворднинг эни ва бўйи бириккан ўринда тўғри келмаяпти-да». «Бўйига нима экан?» «Дунёдаги энг узун ва серсув дарё? Амазонка эмасми?» «Тўғри!» «Амазонка қайси ҳарф билан бошланарди?» «А» билан...»

«Даракчи» газетасининг 2001 йил 8 ноябрь сонида берилган «Қоинот бўйлаб» кроссвордида шу тахлит йўл қўйилган чалкашликни икковлон муҳокама қилиб кетдик...

Айниқса «сканворд» деган нисбатан осон бошқотирма русм бўлди-ю, ҳатто фақат шу «асарлар»ни чоп этадиган газеталар нашр қилина бошланди. «Мухлис» дейсизми, «Сўғдиёна»ми ёки «Хазина»...

Вақтни «ўғирлашдан» манфаатдор тижорат аҳлига булар қулай. Аммо кўпчилиги совринли, яъни тўғри жавоб йўллаганларни рағбатлантирадиган бундай бошқотирмалардаги чалкашликларни, тушунмовчиликларни кўриб ёқа ушлайсиз.

«Мухлис»нинг шу йил 3-сонидаги «Ғурур ғурбатга солур» сканвордида «сайёра» сифатида «Ой» берилган. Ой Ер йўлдоши эканлигини билардик-ку...

«Сўғдиёна»нинг 8-сонидаги «Машъал» сканвордида эса пайғамбар билан ароқнинг ёнма-ён келиши таажжуб уйғотса, шу сондаги «Ўзбек гўзали» сканвордида «Дон деҳқони» топишмоғига «казак» атамасидан бошқа жавоб тополмайсиз. Тўғри келмайди. «Казак» қачондан буён қўлига кетмон олиб деҳқончилик қилмоқда... бизга қоронғи.

«Хазина»нинг шу йил 12 февраль сонидаги сканвордлардан бирида эса «Русча ДАН» деб берилади. Яъни «ГАИ» қисқартмаси эътиборда тутиляпти. Аммо «билағон» сканворд тузувчи ҳозир умуман «ДАН» қисқартмаси йўқлигини билиб қўйса яхши бўларди. Ҳатто сканвордлардан бирида «МДҲ давлати пойтахти» сифатида «Рига» эътиборда тутилганини кўриб ёқамни ушладим.

Аксар сканвордларни ечиш учун рости таржимон бўлиш керак. Русча-ўзбекчани пухта эгалламоқ лозим. Чунки, «нерв» деганида «асаб»ни, «солдат» деганида «аскар»ни, «жаноб» деганида «господин»ни, «окоп» деб сўралганда «ўра»ни билиш керак-да!

Сканворд тузувчи жаноб («господин» десак тушунишар) амалдаги йилдан бошлаб Оврўпанинг аксар давлатларида миллий валюталар ўрнига «евро» муомалага киритилганини билиб қўйса ёмон бўлмасди. Акс ҳолда «қизиқкон ўқувчи»нинг бошини қотириб, «Европадаги фалон давлатнинг пули», деб «қармоқ ташлаб» ўтирмасди.

Юқорида эслатилган «қовун уруғи» бўлган нашрлардаги сканвордлар қайси даврга, қайси сиёсатга, кимларга хизмат қилаётганини ҳам баъзида англаш мушкул. Бўлмаса «болалар оромгоҳи» сифатида «Артек», «кино соврини» сифатида «Ника» сизга ҳавола қилинмасди.

«ОТТАВА» ҚАНДАЙ ЁЗИЛАДИ?..



ЁКИ АЙРИМ НАШРЛАРДА БОШҚОТИРМА ДЕБ ТУЗИЛАЁТГАН ЧАЛКАШҚОТИРМАЛАР ҲАҚИДА

Бошқотирмалардаги «эгизаклик хасталиги» шу қадар «юқумли»ки деярли барчасида бир неча ўринда «нота», «самолёт русуми», «япон шашкаси», «инглиз ёзувчиси» ҳадеб такрорланаверади. Чунки, булар икки ҳарфдан иборат сўзлар бўлгани боисдан гўёки «уларнинг ўрнини босадиган бошқа атамалар» йўқдай.

Яна бир «янгилик» шуким, кўпгина сканвордларда фақат беш-олти нафар эстрада хонандаси ёки сўз усталарининг суратлари бериладики, бу ҳам ўз навбатида «тузувчи господин»ларнинг билим доираси «нақадар кенглиги»дан дарак беради. Аслида ўқувчининг билим доирасини кенгайтириш, фикрлаш, мулоҳаза юритишга хизмат қиладиган бошқотирмалар шу тахлит асаб ўйнатар воситага айланмоқда.

Албатта, биз бу билан турли бошқотирмалар берилмасин, демоқчи эмасмиз. Юқоридаги нашрлар ҳақида фикримиз ҳам ижобий. Айтмоқчи бўлганимиз: чалкашқотирма эмас, ҳақиқий бошқотирма тузинг-да!

■ **Рўзимбой ҲАСАН,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

2002 ЙИЛ — ҚАРИЯЛАРНИ ҚАДРЛАШ ЙИЛИ

«ҚОЗИГУЗАР»ДА КИТОБ БАЙРАМИ

Акмал Икромов туманидаги «Қозигузар» маҳалласида кўплаб саховатпеша инсонлар яшайди. Маҳалланинг 4-Гулистон кўчасида Абдужаббор Манноповнинг исмига катта-ю кичик «китобхон» деб қўшиб айтади. Бунинг боиси бор, албатта. Яқинда у киши ҳалим солдилар. Ҳалим солиш халқимизнинг энг қадимий қадриятларидан ҳисобланади. Ота ҳалимхўрларга ажойиб совға ҳам тайёрлади. Эрта тонгдан яхши ният билан ҳалимга келган меҳмонларга «Шайтанат»нинг тўртинчи китобини тортиқ қилди.

Зиёга интилиш, илм сари даъват савобли ишдир. Гузар аҳли «Отасига раҳмат, қўй етаклатган ҳам бундай савобга лойиқ бўлолмайди, китоб авлоддан-авлодга муқаддас мулк бўлиб қоладида» дея у кишини алқашди.

✧✧✧

Инсон ҳаётида шундай дақиқалар бўладики, умр бўйи ёдда сақланади. Борий Алижонов Абдулла Қодирий билан ҳамсуҳбат бўлган дамларни хотирасида сақлайди. Ғурур билан эслайди. Маҳаллада оқсоқоллар кенгаши раиси, ёзувчи Муроджон Мансур ташаббуси билан кутубхона ташкил этилди. Қария ҳам кутубхонанинг очилиш маросимида қатнашишни, Қодирий ҳақида сўзлаб беришни ният қилган эди, афсуски, қаричилик, гузарга чиқолмади. Лекин йиғилганлар Борий отани эслашди, зиёрат қилиб хонадонига ташриф буюришди.

Отанинг Қодирий ҳақидаги хотиралари яна жонланди...

Борий отанинг эслашича, падарибузруквори Алижон қори билан Абдулла Қодирийни дўстлаштирган китоб, мутолаа эди. Алижон қори олим, каттакон кутубхонасида ноёб китобларни сақлар, Қодирий эса мутолаа қилгани тез-тез бу хонадонга келарди. Буюк адиб Алижон қорига «домла» деб мурожаат қилар, бениҳоя ҳурматларди. Улар узоқ суҳбат қуришар, бирга китоб мутолаасига шўнғиб кетишарди. Ўшанда ёзувчи «Ўтган кунлар»ни ёзаётган экан. Китоб босилиб чиққач, Алижон қори илк китобхонлардан бўлиб, севинган ҳамда бироз ҳайратланганди. Чунки ёзувчи асар қаҳрамонларидан бири тошкентлик Юсуфбек ҳожи сиймосини чизишда у кишининг сийратидан фойдаланган эди.

«Мен эса уларга кутубхонада дастёрлик қилардим, шу аснода ёзувчининг ширин суҳбатларини эшитардим», деб эслайди Борий ота.

Ёзувчи, ношир, шоир Назармат, Искандар Раҳмон, Ўткир Хидир, «Шарқ» нашриёти ходимлари, олим Хотам Иноғомов, маҳалла аҳли вакиллари тақдим этган бир даста китобларни Борий ота кўзларига суриб, қабул қилиб оларкан: «Китоб муқаддас, инсонни ундан ҳам буюкроқ эзгуликка элтувчи куч йўқ» деди тўлқинланиб. Зеро, Қодирийнинг маслакдоши Алижон домланинг зурриёди Борий ота ҳам китоб мутолаасидан ҳеч чарчамайди.

Ҳазрат Лутфий айтганларидек «Китобдан яхши дўст йўқ».

«Қозигузар»да шинамгина қироатхонага эга кутубхона очилишини маҳалла аҳли хурсандчилик билан кутиб олди. Китобхонларнинг ижодкорлар билан учрашуви барчада катта таассурот қолдирди. «Шарқ» нашриёти таҳририяти янги ташкил қилинган маҳалла кутубхонасини оталиққа олди ва чоп этилган янги бадиий китоблардан совға қилди. Шоир ва ёзувчилар эса дастхатларини ёзиб ўз китобларидан қолдирдилар. Маҳалла тадбиркорлари шу куни 150.000 сўмликдан зиёд китобни табаррук ёшдаги отахон, онахонлар, кўп болали оилаларга тарқатишди. Бир сўз билан айтганда «Қозигузар»да китоб байрами бўлди. Бу тадбир «Хонадонларимизга нур-зиё кирсин. Марҳабо, китоб!» шиори остида ўтди.

■ Эркин МАЛИК

ШОШИЛИНГ!!!

«ЎзДЭУавто» компанияси

ОМАД ВА ҚУВОНЧ КЕЛТИРУВЧИ ЮТУҚ —
битта автомобиль пулига
ИККИТА АВТОМОБИЛНИНГ
бахтли соҳиби бўлишга имкон яратади!

ЎЙИН ШАРТЛАРИ:

- ўйинда 2002 йил 7 мартдан бошлаб сотилган дастлабки 2500 автомобиль иштирок этади;
- автомобиллар компаниянинг расмий дилерлик корхоналари автосалонларида сотиб олинган бўлиши шарт;
- ютуқ соҳиблари сотилган автомобилларнинг кузов рақамлари бўйича ўтказилган лотерея ўйини натижасига кўра аниқланадилар;
- ютуқ соҳибига ўзи сотиб олган автомобиль русумидаги автомобиль совға қилинади.



ШОШИЛИНГ!

7 мартдан бошлаб ўйинда иштирок этадиган 2500 автомобиль сотилмоқда!

Имкониятингизни бой берманг!

Компаниянинг дилерлик корхоналари сизларни кутмоқда!

Ўйин Ўзбекистон телевидениесининг биринчи канали орқали намойиш этилади.

Матбуотдан хабардор бўлиб туринг: автомобиль сотиб олган ҳар бир шахс ютуқ эгаси бўлувчи номзодлар рўйхатига киритилади.

Телевидениеда ўйин ўтказилишидан аввал иштирокчиларнинг исми ва фамилиялари «Халқ сўзи», «Народное слово», «Правда Востока», «Ўзбекистон овози», «Қишлоқ ҳаёти» газеталарида чоп этилади!

Барча саволлар бўйича компаниянинг расмий дилерларига мурожаат қилинг.

МАЪЛУМОТ УЧУН КОМПАНИЯНИНГ ТОШКЕНТДАГИ ВАКОЛАТХОНАСИ ТЕЛЕФОНЛАРИ: 67-97-74, 67-33-65

«HIKMATLI-NON»

очиқ акциядорлик жамияти

Кузатув кенгаши жамият акциядорларини 2001 йил якунлари бўйича ўтказиладиган умумий йиғилишга таклиф этади.
Умумий йиғилиш 2002 йил 16 май куни соат 10.00 да Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, «Ц» мавзесида жойлашган жамият биносида ўтказилади.

Умумий йиғилиш кун тартибига киритилган масалалар:

1. Жамиятнинг 2001 йилги молиявий-хўжалик фаолияти бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.
2. Тафтиш комиссияси ва аудитор ҳисоботларини тасдиқлаш.
3. Кузатув кенгашига қўшимча аъзоларни сайлаш.
4. 2002 йилги фаолият учун жамият аудиторини тасдиқлаш.
5. 2001 йил якунлари бўйича фойданинг тақсимотини тасдиқлаш.
6. 2002 йил учун жамиятнинг бизнес-режасини тасдиқлаш.
7. «Hikmatli-non» ОАЖни масъулияти чекланган жамиятга айланиб фаолият юритишини тасдиқлаш.

Акциядорларни рўйхатга олиш соат 9.00 да бошланади.

Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга акциядорлар рўйхати 2002 йилнинг 16 апрель ҳолатига кўра тузилади.

Умумий йиғилиш бўйича маълумотларни олиш учун қуйидаги манзилгоҳга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, «Ц» мавзеси. Тел: 79-73-97.

«Hikmatli-non» очиқ акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши.

«Nikmatli-non» ОАЖ бухгалтерия баланси
2002 йил 1 январь ҳолатига кўра (минг сўм ҳисобида)

Кўрсаткичлар номи:
1. Асосий маблағлар — 108354
2. Ишлаб чиқариш заҳиралари — 12603
3. Сотиш учун товарлар — 839
4. Мол етказиб берувчилар билан ҳисоб-китоблар — 15460
5. Пул маблағлари — 13503
Актив 150759
6. Низом жамғармаси — 95460
7. Жамғарма маблағи — 14845
8. Кредиторлик қарзлари — 3843
9. Меҳнат ҳақи бўйича қарзлар — 1380
10. Ижтимоий суғурта бўйича қарзлар — 766
11. Бюджетдан ташқари тўловлар бўйича қарзлар — 693
12. Ички тизим қарзлари — 3686
13. Тақсимланмаган фойда — 30086
Пассив 150759

2001 йил учун аудиторлик текширувини «Бунёд аудит» фирмаси ўтказган. 2001 йил 3 сентябрда 00180 рақамли лицензия берилган.

ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

«АСАКА» БАНК

СИЗЛАР УЧУН

Бўш пул маблағларингизни депозит сертификатларга қўйиш имкониятини қуйидаги шартлар асосида таклиф этади:

Депозит ва жамғарма сертификати муомалага нақд (бланка) шаклда чиқарилган.
«Асака» банки даромад ва омонат суммасини ўз вақтида тўланиши бўйича кафолат беради.
Сертификатларни муддатидан олдин тўлаш имконияти ҳам кўзда тутилган.
«Асака» банк депозит ва жамғарма сертификатларини муомалага чиқариш ва тўлаш шартлари тўғрисидаги батафсил маълумотни сиз «Асака» банк бош офиси ва унинг ҳудудий филиалларида бевосита олишингиз мумкин.

Шу билан бирга, «Асака» банкининг бошқа вилоят филиалларидан ҳам сертификатларини сотиб олишингиз мумкин.

ЮРИДИК ШАХСЛАР УЧУН

Сертификат муомаласи муддати	Фоиз (йиллик) ставкаси
9 ойга	25%
6 ойга	24 %
3 ойга	22 %
1 ойга	20 %

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР УЧУН

Сертификат муомаласи муддати	Фоиз (йиллик) ставкаси
6 ойга	40 %
3 ойга	36 %

Тошкент шаҳри бўйича банк манзиллари ва телефонлари.
Бош офис: Тошкент ш.; Нукус к., 67-уй, ***телефон: 120-82-26.***
Тошкент шаҳар бўлими: Тошкент ш., А.Қаҳҳор к., 73-уй, ***телефон: 120-83-73.***
Автотранспорт филиали: Тошкент ш., Юсуф Хос Ҳожиб к., 14, ***телефон: 120-81-97.***
Тошкент вилоят филиали: Тошкент ш., И.Оқилов к., 40-уй, ***телефон: 120-84-08.***
Юнусобод филиали: Тошкент ш., Чимкент тракти, 79-уй, ***телефон: 125-11-06.***
Сирғали филиали: Тошкент ш., Массон к., 39-уй, телефон: 57-87-55.
Шайхонтоҳур филиали: Тошкент ш., Навоий к., 18-уй, ***телефон: 120-84-31.***

«АСАКА ЁҒ»

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Асака ёғ» очиқ акциядорлик жамияти 2002 йил 18 майда 2001 йил якунларига бағишланган акциядорларнинг хўжалик-молиявий натижалари бўйича йиғилиши бўлиб ўтади.
Йиғилиш жамият мажлислар залида соат 11^{00} да бошланади. Йиғилиш қатнашчилари соат 9^{00} дан 10^{30} гача рўйхатдан ўтиши сўралади.
Йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга акциядорларнинг рўйхати 18 апрель холатига кўра ёпилади.
Умумий йиғилиш ўтказишга доир ахборотларни акциядорларнинг жамият Кузатув кенгашидан олишлари мумкин.

УМУМИЙ ЙИҒИЛИШГА КИРИТИЛГАН МАСАЛАЛАР:

1. Жамиятнинг 2001 йилдаги фаолияти якунлари ва режаларининг бажарилиши тўғрисида ҳисобот. Жамиятнинг 2002 йилдаги вазифалари.
2. Жамиятнинг 2001 йилдаги хўжалик-молиявий натижалари бўйича тафтиш комиссияси ҳисоботи, аудитор хулосасини тасдиқлаш.
3. Фойда тақсимоти.
4. Жамият бошқаруви хайъати таркибига ўзгартиришлар киритиш.

Жамият манзили: Андижон вилояти, Асака шаҳри, Бобур кўчаси, 5-уй.

«АСАКА ЁҒ» ОАЖ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

«Асака ёғ» очиқ акциядорлик жамиятининг Низом фонди 125875800 сўм. Умумий акциялар сони 139862 дона, 1 дона акциянинг номинал қиймати 900 сўм.

«Асака ёғ» очиқ акциядорлик жамиятининг 2001 йил молиявий фаолияти натижалари тўғрисида

ҲИСОБОТ

(минг сўм ҳисобида)

КЎРСАТКИЧЛАР	САТР РАҚАМЛАРИ	ЎТГАН ЙИЛНИНГ ШУ ДАВРИДА		ҲИСОБОТ ДАВРИДА	
		даромад (фойда)	харажат (зарар)	даромад (фойда)	харажат (зарар)
Маҳсулот (иш, ҳизмат) сотишдан тушган тушум	010	4321798		6146760	
Қўшилган қиймат солиғи	020		700662		1022294
Акциялар	030		1605502		2284403
ва бошқалар	040				
Сотишдан олинган соф тушум 010-020-030-040	050	2015634		2840063	
Сотилган маҳсулот ва иш хизматларининг ишлаб чиқариш таннархи	060		1497252		2075262
Сотишдан тушган ялпи молиявий натижа 050-060	070	518382		764801	
Сотиш харажатлари	080		21719		5677
Маъмурий харажатлар	090		53807		71307
Асосий фаолиятнинг бошқа жараёнлардан даромад ва харажатлари	100		183400		337427
Асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг молиявий натижаси (фойда ёки зарар) 070-080-090-100	110	259456		350390	
Уюшма ва шўъба корхоналаридан олинган дивидендлар	120				
Бошқа олинадиган дивидендлар	125				
Уюшма ва шўъба корхоналаридан олинган ва берилган қарзлар бўйича фоизлар	130				
Бошқа тўланган ва олинган фоизлар	135		21480		130243
Валюта курс фарқи	140	395	212000		152958
Молиявий фаолият бўйича бошқа даромад ва харажатлар	145	2060	5824	9200	330
Умумхўжалик фаолиятининг молиявий натижаси (фойда ёки зарар) 110+120+125+130+135+140+145	150	261911	239304	359590	283531
Фавқулоддаги фойда-зарар	160				
Солиқ тўланганга қадар умумий молиявий натижа 150-180	170	22607		76059	
Фойда (даромад)дан солиқ	180		15850		57358
Юқоридаги моддаларга кирмайдиган бошқа солиқ ва ажратмалар	190		1216		3216
Ҳисобот давридаги соф фойда (зарар) 170-180-190	200	5541		15485	

«Асака ёғ» ОАЖ бошқаруви раиси: С. ҚЎЧҚОРОВ
Бош ҳисобчи: Ш. ИМИНОВ
«Мутарро — Аудит» фирмаси, аудитор: Ш. ЖУМАНАЗАРОВ

ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИ ВА РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ

2002 ЙИЛ 17, 24, 31 МАЙ КУНЛАРИ ТАНЛОВ САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ

Танловга Тошкент шаҳар ҳокимияти Капитал қурилиш бош бошқармасининг Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, лойиҳадаги Беруний кўчаси, 1-уйда жойлашган, умумий майдони 576,0 кв.м бўлган қурилиши тугалланмаган поликлиника биноси қўйилади. Бинонинг бошланғич нархи — 44498781 сўм.

ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ:

1. Поликлиника биносини қисқа муддатларда замонавий меъёр ва андозаларга жавоб берадиган ҳолда қуриб битказиш.
2. Бинодан тиббий муассаса сифатида фойдаланиш.
3. Бинони замонавий тиббий-техника ва бошқа ашёлар билан жиҳозлаш.
4. Поликлиника биносини қуриб битказиш, замонавий тиббий-техника ва бошқа ашёлар билан жиҳозлашга сарфланадиган маблағлар ҳажми.
5. Кўрсатиладиган тиббий хизмат турлари ва ҳажми.
6. Хизмат ҳақлари бўйича таклифлар ва имтиёзлар.
7. Поликлиника биносини ёнғин хавфсизлиги ва санитария талабларига жавоб берадиган ҳолга келтириш ҳамда унга бириктирилган ҳудудда ободонлаштириш ишларини олиб бориш.
8. Бинонинг нархи ва тўлов муддатлари бўйича таклифлар.

Савдолар соат 11^{00} да бошланади.
Аризалар қабул қилиш савдодан уч кун аввал тўхтатилади.

Танловда қатнашиш истагида бўлган шахслар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

— танлов савдосида қатнашиш учун белгиланган шаклда ариза;
— танлов шартлари асосида тузилган бизнес-режа (муҳрланган конвертда) ва нарх бўйича таклиф;
— гаров пули тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати;
— юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилган ва нотариал тасдиқланган низом, жисмоний шахслар учун эса паспорт.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Алишер Навоий кўчаси, 69-уй. Метронинг «Алишер Навоий» бекати. Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78.

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ

2002 йил 26 апрель, 10 май кунлари ўтказиладиган кимошди савдоларига қўйилган Тошкент вилояти Давлат ветеринария лабораториясининг Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, Отабоев кўчаси, 2-уйда жойлашган, умумий майдони 380,76 кв.м. бўлган бино ва иншоотлари савдолардан олинганлигини маълум қилади.

АНДИЖОН «АВТОТЕХХИЗМАТ»И МИЖОЗЛАРНИ КУТАДИ

«ЎзДЭУавто»нинг Андижон вилоятидаги бош дилери — Андижон «Автотеххизмат» акциядорлик жамиятининг хизмати элга манзур.

Андижон «Автотеххизмат» акциядорлик жамияти «ЎзДЭУавто»нинг жаҳон андозаларига мос автомобилларини сотади ва техник хизмат кўрсатади.

Бу ерда ички бозордагидан ташқари Ўзбекистон резиденти бўлмаган шахслар ҳам валюта ҳисобида автомобиллар сотиб олиши мумкин.

5 апрелда Андижон «Автотеххизмат» акциядорлик жамияти Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан кўпни кўрган кексалар иштирокида «Матиз», «Дамас» автомобилларида Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Ғиждувон, Урганч, Хива шаҳарлари бўйлаб автоюриш ташкил этди. Бу тадбир «Матиз», «Дамас» автомобилларининг замонавийлигини юртдошларимизга яна бир бор намоён этди.

«ЎзДЭУавто»нинг «Нексия», «Дамас» ҳамда «Тико» русумли автомобиллари қатори янги «Матиз» автомобили ҳам қулайлиги, кўркамлиги билан харидорлар ишончига сазовор бўлди. «Матиз» минган муродига етади.

Андижон «Автотеххизмат»ида автомобилларни техник кўрикдан ўтказиш ва созлаш ишлари Жанубий Кореяда малака оширган тажрибали мутахассислар томонидан энг замонавий технологиялар ёрдамида, юқори даражали сифат кафолати билан бажарилади.

«Автотеххизмат» акциядорлик жамиятида 1 июнгача автомобиль сотиб олган мижозларга бир йил мобайнида сервис китоби бўйича ўтказиладиган техник хизмат бупул амалга оширилади.

Яна бир қувончли хабар, Андижон «Автотеххизмат» акциядорлик жамияти агентлигига аъзо бўлган автомобиль эгаларига барча хизматлар баҳоси 50 фоиз чегирилган тарзда амалга оширилади.

Андижон «Автотеххизмат» акциядорлик жамияти хизматидан баҳраманд бўлинг!

Телефон ва факс: 24-65-10.

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV
(Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Baxtiyor HAMIDOV
(Mas'ul kotib)
Rahima HAKIMOVA
Tolepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat va huquq — 133-44-55
Iqtisodiyot — 133-76-04
Ma'naviyat — 133-07-20
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56,
Axborot — 136-55-16
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va e'lonlar — 133-38-55, 133-47-80
Faks — 133-73-43, 133-06-83

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 136-57-20
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Alisher RO'ZIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A—2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini kochirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 3102

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 22.00
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA

Газетанинг навбатдаги сони 20 апрель, шанба куни чиқади.